

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**  
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**  
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF  
SOCIAL STUDIES**  
VOLUME 4, ISSUE 1



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Сеитов Азамат Пулатович**  
доктор социологических наук  
(Doctor of sociology DSc)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Сабирова Умида Фархадовна**  
кандидат социологических наук  
(Candidate of sociology PhD)

**Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**International Editorial Board of the Journal of Social Studies**  
**Международный редакционный совет журнала Социальные исследования**

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.  
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.  
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

**Бекмурадов Мансур Бобомурадович**  
доктор социологических наук, профессор  
**Каланов Комил Куллахматович**  
кандидат социологических наук, профессор  
**Убайдуллаева Раиса Турсуновна**  
доктор социологических наук, доцент

**Щепилова Галина Германовна**  
доктор философских наук, профессор,  
Московский государственный университет  
им. М.В. Ломоносова (РФ)  
**Рожанский Михаил Яковлевич**  
директор центра независимых социологических  
исследований (РФ)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.  
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.  
Social structures, social institutions and way of life

**Умаров Абсалом Адилевич**  
доктор социологических наук, профессор  
**Холбеков Абдуғани Жуманазарович**  
доктор социологических наук, профессор  
**Шайхисламов Рафазель Бадретдинович**  
доктор социологических наук, профессор,  
Башкирский государственный университет  
**Сабиров Алишер Сабирович**  
кандидат социологических наук, доцент

**Antonio Alonso Marcos**  
Ph.D, on International Relations (Испания)  
**Фадеева Любовь Александровна**  
доктор социологических наук, профессор  
Пермский государственный национальный  
исследовательский университет (РФ)  
**Виктор Агаджаньян**  
профессор социологии университета  
Аризона США

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.  
Социология социального сознания и социального процесса.  
Sociology of social consciousness and social process

**Ганиева Маърифат Хабибовна**  
доктор социологических наук, профессор  
**Аликариев Нуриддин Сапаркариевич**  
доктор экономических наук, профессор  
**Матибаев Тасполат Балтабаевич**  
доктор социологических наук, профессор  
**Stephan E. Nikolov**  
PhD, Senior Research Fellow,  
Institute of Sociology, Sofia  
**Пармонов Фарход Ярашевич**  
кандидат социологических наук, доцент

**Ли Ци**  
доктор исторических наук, профессор  
Шэньсинского Педагогического Университета  
(КНР).  
**Сухомлинова Марина Валерьевна**  
доктор социологических наук, профессор  
Мичуринского государственного аграрного  
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")  
**Бурнашев Рустам Ренатович**  
кандидат философских наук, профессор,  
Казахстанско-немецкий университет

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Каланов Комил</b> “МУҚАДДАСЛИК” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	4
<b>2. Убайдуллаева Раиса</b> СОЦИОЛОГИЯ В XXI ВЕКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ.....	17
<b>3. Сейтов Азамат, Сабирова Умида</b> СОЦИАЛИЗАЦИЯ СЕМЕЙ В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА.....	27
<b>4. Аликариева Аълохон</b> СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ.....	35
<b>5. Каримов Бобир</b> МЕҲР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ.....	47
<b>6. Мадаминов Баходир</b> ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	55
<b>7. Имомова Нозимахон</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ.....	63
<b>8. Мирзахмедов Хуршид</b> ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ.....	73
<b>9. Узакова Зарина</b> ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ТЕРМИНА ИНВАЛИДНОСТЬ И МОЛОДЕЖНОГО ВОЗРАСТА.....	81
<b>10. Эрйигитова Лобар</b> А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ (“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ МИСОЛИДА).....	89
<b>11. Мўминов Зокиржон</b> ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ.....	99
<b>12. Амиров Азамат</b> ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	108

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Амиров Азамат,  
Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси  
e-mail: amirovazamat539@gmail.com

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

**For citation:** Amirov Azamat, Methodological approaches to the "Philosophy of History" in the social sciences and humanities. Journal of Social Studies. 2021, vol. 4, issue 1, pp. 108-116

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-12>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ф.Фукуяманинг “Тарих интиҳоси” асари замонавий даврдаги совуқ урушдан кейинги воқеликни акс эттирувчи назария сифатида ўрганилади. Бунда унинг постмодернизм, “цивилизациялар тўқнашуви” ҳамда элитаризм концепциялари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади. Муаллиф цивилизациялар тарихини фалсафий жиҳатдан таҳлил этар экан, замонавий жамиятда инсон ва жамиятнинг янги даврга мослашиб бориш хусусиятларини ёритади. Фалсафий ёндашувлар туркумида муҳим ўрин тутадиган “глобал муаммолар” тушунчаси ижтимоий онгда қандай тасвирланаётганлиги асосий назарияга айланади. Глобаллашган дунёда стандартлашган жараёнлар, хусусан умумий тилнинг ижтимоий маконни эгаллаб бораётганлиги масаласи, ягона кадриятларга бўлган интилиш халокат ва интиҳо сифатида таҳлил этилади. Дунё хусусиятлари ўзгариб борар экан, унда инсониятнинг онги ва тафаккуридаги трансформациялашув, динамикаси хусусиятлари муҳим фалсафий омил сифатида ўрганилган.

**Калит сўзлар:** совуқ уруш, глобаллашув, тарих интиҳоси, постмодернизм, “цивилизациялар тўқнашуви”, утилитаризм, универсал тараққиёт лойиҳаси, либерализм.

Амиров Азамат,  
Преподаватель  
Национального университета Узбекистана  
e-mail: amirovazamat539@gmail.com

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К «ИСТОРИИ ФИЛОСОФИИ» В СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУКАХ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье работа Ф. Фукуямы «Конец истории» рассматривается как теория, отражающая реалии современности после окончания холодной войны. Особое внимание уделяется анализу концепций постмодернизма, «столкновения цивилизаций» и элитизма. Автор, философски анализируя историю цивилизаций, проливает свет на особенности адаптации человека и общества к новой эпохе в современном обществе. То, как концепция

«глобальных проблем», играющая важную роль в ряде философских подходов, изображается в общественном сознании, становится базовой теорией. В глобализованном мире стандартизованные процессы, в частности вопрос о том, занимает ли общий язык социальное пространство, анализируются как катастрофа и стремление к единым ценностям. По мере изменения характеристик мира особенности трансформации и динамики человеческого сознания и мышления изучаются как важный философский фактор.

**Ключевые слова:** холодная война, глобализация, конец истории, постмодернизм, столкновение цивилизации, элитаризм, проект универсального развития, либерализм.

**Amirov Azamat,**

Teacher at the National University of Uzbekistan

e-mail: amirovazamat539@gmail.com

## METHODOLOGICAL APPROACHES TO THE "PHILOSOPHY OF HISTORY" IN THE SOCIAL SCIENCES AND HUMANITIES

### ANNOTATION

In this article, F. Fukuyama's work "The End of History" is viewed as a theory that reflects the realities of modernity after the end of the Cold War. Particular attention is paid to the analysis of the concepts of postmodernism, "clash of civilizations" and elitism. The author, philosophically analyzing the history of civilizations, sheds light on the peculiarities of adaptation of man and society to a new era in modern society. The way in which the concept of "global problems", which plays an important role in a number of philosophical approaches, is portrayed in public consciousness, becomes a basic theory. In a globalized world, standardized processes, in particular the question of whether a common language occupies a social space, are analyzed as a catastrophe and a desire for common values. As the characteristics of the world change, the features of the transformation and dynamics of human consciousness and thinking are studied as an important philosophical factor.

**Keywords:** cold war, globalization, end of history, postmodernism, clash of civilization, elitism, universal development project, liberalism.

XX асрнинг 60-йиллари охири, 70-йиллари бошида илмий истеъмолга кириб келган ҳамда ҳали-хануз ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида қўлланилиб келаётган “Глобал муаммолар” тушунчаси ижтимоий онгда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Мазкур тушунча бутун инсоният ёки ер куррасининг исталган нуқтасида яшовчи ҳар бир одамга тегишли бўлган умуминсоний характер касб этувчи муаммоларни ифодалашда қўлланилади. Умумжаҳон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг кучли ва объектив омили хисобланувчи глобал муаммолар алоҳида мамлакатлар ва минтақалар ривожига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай муаммоларни ҳал қилиш кўплаб давлатлар ва ташкилотлар кучларининг халқаро миқёсдаги бирлашувини тақозо қилади.

Глобал муаммоларнинг ечимсиз қолдирилиши инсоният ҳаётига жиддий таҳдид солувчи ҳавф – хатарларни юзага келтириши мумкин. Минг йиллар давомида локал, территориал жиҳатдан шаклланган миллий давлатчилик хусусан чегара феноменининг ўзи ҳалигача заррача аҳамиятини йўқотган эмас [1, - Б.111-112]. Фукуяма томонидан шунчаки универсализация ёки маданий унификация сифатида тушунтирилган ҳолат яъни аллақачонлар қатъий қилиб белгилаб қўйилган ҳудудлар чегараларининг ювилиб кетиши С.Хантингтон айтганидек, турли зиддиятларни вужудга келтириши мумкин. Глобаллашув шароитида дунёнинг кўп стандартли характер касб этиши турли ҳалокатлар ва инкирозларга сабаб бўлади [2, - Б.57]. Халқаро тилнинг шаклланиши дунёнинг у нуқтасида ҳам бу нуқтасида ҳам (Америкада ҳам Индонезияда ҳам) оммавий тарзда бир хил маҳсулот истеъмол қилиниши ҳолатини таъминлайди.

Бугунги кунда турмуш тарзи, кадриятлар, тафаккур услуби ва фаолиятлар аллақачон глобаллашув таъсирига тушиб қолган. Тарих интиҳоси ҳақидаги қарашлар муайян шароитда, хусусан, бирор бир миллатнигина эмас бутун инсониятнинг тарих саҳнидан кетиши ҳолатига

нисбатан кўлланилганда тўғри маъно касб этади. Хўш бу ҳол нечоғлик муқаррар, уни бартараф этишнинг имкони мавжудми? [3, - Б.98]. Бу муаммо ҳали-хануз ечим талаблғича қолмоқда. Кўринишдан юзаки туйилсада мазкур муаммони ҳал қилишга етарлича вақт ресурси мавжудми, деган навбатдаги савол ҳам кўндаланг туради. Бундан ташқари гарчи биздан миллиардлаб йил узокликдаги истиқбол ҳақида гап бўлсада табиатшунослик фанлари космик ҳалокатни башорат қилмоқдалар. Бу эса ўз навбатида инсониятнинг ердаги ҳаёти интиҳосини ҳам англатади. Аниқроқ қилиб айтганда алоҳида биологик тур бўлган инсон борлиғи ҳам худди бошқа биологик турлар сингари мангу мавжуд бўла олмайди, уни ҳам йўқолиб кетаётган бошқа биологик турлар сингари “қизил китоб”га киритилиш эҳтимоли кутилмоқда. Табиатшунос олимлар инсоният эволюциясининг якуни ҳақида тез-тез таъкидламоқда.

Глобаллашувни биз тарих интиҳосидан кейинги-посттарихий (Посттарихий –тарихдан сўнг)дунё сифатида қараб чиқар эканмиз, мазкур дунёнинг характерли хусусиятларини таъкидлаб ўтишга зарурат туғилади. Посттарихий дунёдаги зиддиятларни инкор қилган Фукуяманинг тарих интиҳоси концепциясида мазкур масалага ўзига хос тарздаги ёндашувни учратиш мумкин. А.Кожев умуминсоний давлат ҳақидаги фикрларига эргашган Фукуяма “тарих интиҳоси” асарида либерал демократик давлатда барча эҳтиёжлар қондирилган ва зиддиятлар бартараф қилинган бўлади, - дея ёзади унда “курашлар ва жиддий зиддиятлар мавжуд эмас” [4, - Б. 130-139] соддароқ қилиб айтганда, катта давлатларнинг тарих сахнасида кетиши натижасида халқлар ўртасидаги жиддий келишмовчилик ва зиддиятлари ҳам барҳам топади. Фукуяманинг фикрича посттарихий дунё фақатгина эзгулик, гўзаллик, яшашдан маъно, юксак ахлоқ ва маънавият ҳамма ёқни қуршаган фаровонлик каби ижобий жиҳатларга эга бўлиб, унда конфликтлар турли хил, айниқса, ўзаро қарама-қарши турувчи синфлар ва ижтимоий гуруҳларга ўрин йўқ. Посттарихий дунё ва тарих интиҳосини анъанавий маънода талқин қилувчи заиф, яхши асосланмаган концепциялар замирида утопияга берилиш, авторететлар хусусан, дин вакиллари қарашларига таянувчи ғоялар ётади, [5, -Б. 33] - деб ҳисоблайди Фукуяма.

Глобаллашув жараёнининг мазмунига дахлдор нарасугуманистик тараққиёт имкониятлари билан ниқобланмаганлигидир. Бир кутбли тараққиёт йўналишига эгалик, миллий ўзликни инкор қилиш, космополитик ва демократияга қатъий ишониш глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади. Шу маънода қандайдир локал тарихий умумийликка эга бўлган маданиятлар тарихининг интиҳоси ҳақидаги қарашлар реаллик касб этади [6]. Глобаллашув жараёнининг ортга қайтариб бўлмас реал ҳодиса эканлиги нафақат ўзгарувчан дунё қиёфасида, балки унификациялашув ортидан юзага келаётган жиддий таҳдидларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бир томонда товарлар, хизматлар, ахборотлар алмашинув ҳажми ва суратлари ошиб бориб инсонларни ўзаро таъсир доираси аввалгига нисбатан кенгроқ миқёс касб этмоқда. Бошқа томондан эса, ривожланган давлатлардаги ТМК (Транс Миллий компания)лар мазкур бозорни бемалол назорат этиб ва даромадларни исталган тарзда йўналтириш имкониятларига эга бўлиб бормоқдалар. Маълумки, ТМК лар ўзи кириб борган мамлакатларга нафақат товар ва хизматлар шунингдек, бошқача дунёқараш ҳам олиб борадилар. Аниқроғи, улар ўзлари фаолият юритаётган мамлакат аҳолиси онгида цивилизациянинг шубҳасиз юксак афзалликлари ҳақидаги таассуротларни уйғотадилар. Бундай тасаввурларнинг аксарияти шубҳасиз ғарбона қадриятлар асосида қурилган бўлади. Бу эса ўз навбатида молия бозорини тўлалғича қамраб олгандек кўринувчи посттарихий дунёнинг мафкуравий асосларини шакллантиришга замин ҳозирлайди. Бу жараён ўзига хос глобал виртуал иқтисодиёт сифатида тавсифланади. Гарчи у реал иқтисодиётга таянсада, ўз қонунларига кўра тараққий этади. Мазкур глобал бозорнинг асосий пул бирлиги ҳисобланувчи АҚШ доллари тобора виртуал валютага айланиб бормоқда. Глобал дунёда пулнинг қиммати ҳар қандай қадриятдан баланроқ бўлиб, у турли иқтисодий товламачиликни амалга ошириш воситаси ўлароқ хизмат қилади.

Глобаллашув комплекс ҳодиса сифатида замонавий жамият ижтимоий ҳаётининг дярли барча соҳалари хусусан, сиёсат, маданият, иқтисод кабиларга жиддий таъсир кўрсатади. Аммо у турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини бирдек акс эттиришга қодир эмас. Бундай турфа

“гуруҳ манфаатлари”нинг мавжудлиги хилма-хил мафкуравий конструкцияларнинг юзага келиб рўй бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиб реал воқеликнинг бузилишига сабаб бўлади.

Тарих интиҳоси концепцияси қарийиб чорак аср илгари яратилган бўлсада, бу ҳақда сўз кетганда таниқли америкалик мутафаккир Ф.Фукуяманинг номи тилга олинади. Мутафаакирнинг тарих интиҳосига бағишланган асари 1992 йилда чоп этилган бўлиб, унда муаллиф ўзининг мафкуравий мўлжалларини очикдан-очик баён қилади [6, - Б.113]. СССР инқирози атрофида чоп этилган мазкур монографиянинг асосий ғояси либералистик проект ва капитализм инсоният экзистенциалистик ва мафкуравий эволюциясининг юксак чўққиси эканлигини таъкидлашдан иборат: “Биз дунёнинг мавжудлигига кўра ўз дунёмиздан айро тасаввур қила олмаймиз” Совет социализмининг либерализм томонидан мағлуб этилишини тарих интиҳоси сифатида баҳолаш мумкин. Либерализмнинг умумсайёравий тантанаси макро ижтимоий лойиҳа деб аталувчи катта маънонинг, яъни ривожланувчи ва ўзаро таъсирланувчи соҳа сифатида тарихнинг интиҳо топишини англатади.

Фукуяманинг мазкур асари ғарб интеллектуал тараққиёти тарихидаги ўта қизик мураккаб ва зиддиятларга бой даврни акс эттирувчи иш сифатида юзага келди. Тарих интиҳоси концепцияси ҳамиша ҳам тарих ғоясининг ўзини эслатавермаса-да, нафақат либераллар, шунингдек, унга муқобил бўлган тарихий тараққиёт лойиҳаларини ифода этувчи оқимлар вакилларини ҳам ташвишга солиб қўйди.

Фукуяма илгари сурган либерализмнинг универсалистик ва плюралистик характер касб этиши тўғрисидаги ғоянинг постмодернистик талқини тарих интиҳосини англатади. Шу маънода тарих интиҳоси концепцияси Фукуяманинг монографияси билан биргаликда ўтмишга айланиб қолмасдан постмодернистик тадқиқотларга нисбатан аниқ ночизиқли равишда ривож топди. Бундай таълимотларнинг “антитарихий” йўналганлиги яққол кўзга ташланмаса-да, изоҳ ва шарҳлардаги мулоҳазалар ҳам бу борада кам аҳамият касб этмайди.

Миллий давлатлар заифлашган вазияда капиталистик синф социумнинг бошқа қисмидан ажралиб қолади, айна пайтда, унинг гуманистик ниқоби ҳам ажралиб тушади. Мазкур ғоядан келиб чиққан ҳолда, баъзи тадқиқотчилар постмодерн даврида капитализмнинг мавжуд шакли бегоналашув хусусиятини касб этмайди, аксинча янги босқичга ўтади. Юқорида таъкидланган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тарихни яқунлашга қаратилган заифгина уринишни ифодаловчи ҳамда фундаментал асослари постмодернизм ғояларига бориб тақалувчи яна бир глобал келажак лойиҳаси ҳақида мушоҳада юритишга асос бор. Мазкур тенденция яна бир ўзига хос оқим бўлмиш анъанавийликда акс этади. Бундай тадқиқотларнинг туб илдизлари М.Эллиаде, Р.Генон, Ю.Эвола кабилар ижодига бориб тақалиб, традиционализм яъни анъанавийлик аксилтарихий характер касб этади. Традиционализм оқимида тарихга яҳудийлик дини доирасида ўйлаб топилган ғоя сифатида қаралиб, уни Ғарб цивилизацияси инқирозининг бош омили дея талқин этилади.

Унга кўра, Ғарбнинг социомаданий инқирози тарих ҳақидаги иллюзиянинг ярқисиз эканлигини кўрсатиб қўйди. Шу маънода тарих интиҳо топади, аниқроғи тарихнинг ўзи ҳақидаги миф билан курашаётганлиги фош бўлиб қолади. Тарихий динамика ўрнига табақалашувга қатъий шартланганлик хусусиятини бахш этувчи ўзгармас қайта тикланган “Примордиал, бошланғич” анъана келади. Анъанавийлик ғоявий ҳукмронликка интилувчи либерализмнинг заминий тамойилларини ҳам постмодернизмнинг тотал нигилизмини ҳам бирдек қабул қилмайди.

Ғоявий ҳукмронликка интилиш аксилтарихий характер касб этишига қарамасдан, барча ғоялар ва ижтимоий нормалар статик (турғун) хусусиятга эга. Табиийки, бу ҳол ижтимоий тараққиёт жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Бундан ташқари фуқаролик жамиятини онтологик жиҳатдан элита ва оммага бўлиш тамойили ҳамда тараққиётни минимум даражада заруратини касб этиб, деярли кераксиз максимум даражада зарарли деб ҳисобловчи ғояларга кўра, традиционализм тамойили енгиб бўлмас кучга эга.

Постмодернизм ва традиционализм оқимлари ғоявий мақсадларга кўра ўзаро бир-бирларига яқин таълимотлар ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, иккала оқим ҳам миллий

социомаданий яхлитликни бузишга қаратилган навбатдаги ғоявий ишланма бўлиб, шу маънода уларни глобаллашув мафкурасининг элементи сифатида баҳолаш мумкин.

Хусусан, замонавий интеллектуаллар муҳитида алоҳида тадқиқотчилар ва бошқа кўплаб оқимлардан бир мунча узоқ бўлсада, аксилтарих тамойили борасида ўзига хос консенсус (келишув) мавжуд. Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, аксилтарихий тамойил умуман тарих тушунчасининг интиҳосидан кўра кўпроқ глобал аҳамият касб этувчи ғоялар заруриятининг барҳам топганлигини назарда тутати. Алоҳида ҳолатларда эса, глобал аҳамият касб этувчи ғояларни инкор қилиш маъносидаги аксилтарихийлик тамойили техник тараққиёт қадриятларини декларатив тарзда тан олиш ғояси билан айнанлаштирилади.

Ғарбий Европада кишилик жамиятининг даврий тараққиёти ҳақидаги ғоялар ренесанс даврига келибгина шакллана бошланди. машҳур италян мутафаккири ва тарихчиси Никколо ди Бернардо Макьявилли (1469-1527) асарларида тарихий тараққиётнинг циклик моделига оид қарашларни учратиш мумкин. У ўзининг 1513 йилнинг биринчи ярмида ёзилган “Тит Ливиянинг биринчи декадаси тўғрисида мулоҳазалар” асарида Полибий томонидан яратилган давлат қурилиши шаклининг айланиши концепциясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, уни қайта ишлайди.

“Одамлар устидан ҳокимиятга эга бўлган барча давлатлар, барча ҳукмдорлар ягона ҳокимият билан бошқариладиган ё республика, ё давлатдан бошқа нарса эмас эдилар” [7, - Б. 4]. Мутафаккир ҳукмдор асарида Афлотун, Арасту ва Полибийлар томонидан илгари сурилган давлат қурилиши шаклларида фарқ қилувчи социо-тарихий организмлар типологиясини тақдим этади. У мазкур типологияни ишлаб чиқишда социотарихий организмларнинг давлат қурилиши белгисига таянади.

Буни фалсафа тарихидаги социотарихий организмларнинг биринчи типологияси сифатида тавсифлаш мумкин. Н.Макиавелли ўзининг “Флоренция тарихи” [8, - Б. 1520-1525; 1532] номли сўнгги асарида давлат қурилиши оддий шаклларида эмас, давлатлар (социотарихий организм)нинг цикли ривожланиши тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Мазкур концепцияга кўра, “Барча давлатлар узлуксиз ўзгаришларни кечирар эканлар, тартибли ҳолатдан тартибсиз ҳолатга, кейин эса тартибсизликдан янги тартибга ўтадилар. Бу оламнинг нарсаларига табиатан тўхтаб туришга имкон берилмаган; улар қандайдир ноқобил бўлиб қоладилар, муқаррар равишда инқирозга учрайдилар ва аксинча, тўла инқироз ҳолатида бўла туриб, тартибсизликлар туфайли заифлашгани ҳолда улар бундан ҳам қуйига тушмаслиги ва юксалиши зарур” [9, - Б. 175].

Н.Макиавелли фикрича, давлатнинг инқирози унинг ҳалокати билан яқунланади. Рим империяси ана шундай йўқ бўлди. У қайтиб тикланмади, бироқ унинг вайроналари устида янги давлатлар вужудга келди [10, - Б. 175-176].

Йирик италян тарихчиси Франческо Гвиччардини (1483-1540) асарларида Макиавеллининг социо-тарихий организмлар борасидаги қарашлари чуқур қайта ишланди. Бироқ Франческо Гвиччардини ўз ишларида тарихий циклизм тамойилига алоҳида эътибор қаратмайди. “Барча шаҳарлар, барча давлатлар, барча подшоликлар – ўлимга маҳкум; улар қачонлардир табиий ёки зўравонлик билан йўқ бўладилар”, - деб ёзди мутафаккир [11, -Б.167].

Кейинчалик тарихнинг айланиши ғояси италян гуманисти, файласуфи Франческо Патрици (1529-1597) томонидан давом эттирилди. бу ғоя унинг “Тарих тўғрисида ўн диалог” (1560 й.) номли асарида ўз аксини топган. Унинг фикрича, барча мавжуд нарсалар дастлаб туғилдилар ва ўсадилар, кейин эса емирилади ва ниҳоят, ўладилар. табиатнинг мазкур қонунига инсон томонидан сунъий яратилган нарсалар хусусан, жамият ва давлат ҳам бўйсунди.

Тарихий циклизм тамойилининг бошқа тарафдорлари сингари Франческо Патрици ҳам давлат шаҳар шаклида туғилади, кейин ҳақиқий давлатга айланади, сўнг империяга айланиши ғоясини илгари суради. Империя камолотга эришганидан сўнг инқирозга юз тутати, ниҳоят, емирилади.

Инглиз мутафаккири Уолтер Мойл (1672-1721) “Рим бошқарувининг қурилиши тўғрисида очерк” асарида Римнинг гуллаб-яшнаши ва емирилиши сабабларини изоҳлаш билан



чекланиб қолмади. У “Империяларнинг даврлари ва революциялари бошқаришнинг бир шаклидан иккинчи шаклига табиий кўчишдан бошқа нарса эмас; улар барча давлатларнинг туғилиши ва емирилишининг умумий циклини ташкил этадилар” [12, - Б. 389], - деган хулосага келади.

Ғарбий Европа тафаккури тарихида биринчи бўлиб тарихий циклизм концепцияси буюк италян мутафаккири Жамбаттиста Вико (1668-1744) томонидан чуқур ишланди. Бу концепция унинг 1725 йили чоп этилган “Миллатнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фаннинг асосланиши” асарида ўз аксини топган. Ж.Вико миллатлар тўғрисида мушоҳада юритар экан, аслида социал-тарихий организмларни назарда тутди.

Асарда инсоният тарихий тараққиёти ўзгармас табиат қонунлари асосида кечишини исботлаш бош мақсад қилиб қўйилади.

Ж.Вико ўз олдида миллатларнинг ривожланишидаги такрорланадиган ибтидони излаб топиш, бу жараёнларни бошқарувчи умумий қонунларни очишни, умуман жамият эволюциясининг манзарасини чизишни вазифа қилиб қўйди. Унинг фикрича, Барча миллатлар ташқи шароитлардан қатъий назар ривожланишнинг айна бир стадияларини босиб ўтадилар. Қолаверса, У инсоният жамияти ва тарихининг бирлиги ғоясини ҳам исботлашга уринади.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, “йиртқичлик ҳолати” инсоният эволюциясининг бошланғич нуқтаси саналади. инсоният эволюциясининг мазкур даврини тарихий тараққиёт жараёнидан истисно қилган. Ж.Вико шу маънода кишилик тарихи ижтимоий муносабатлар билан параллел равишда бошланганлиги ғоясига урғу беради. Улар ёлғиз ҳолда ер юзидаги ўрмонларда дайдиб юрдилар, тўла ҳолда ҳайвоний майллар билан яшадилар. Осмон момоқалдироқ ва яшинлари билан чарақлатди. Одамлар осмон улкан жонли тана, деб ўйладилар ва уни Юпитер деб атадилар. Кўрқув Худога бўлган ишончни туғдирди. Худо олдидаги кўрқув одамларни ўз ҳайвоний истакларини аввало, жинсий майлни чеклашга мажбур этди [13, - Б. 107].

Мавжудот ҳолатидан инсоният жамиятига ўтиш бошланди. Моногам никоҳ ва у билан бирга оила вужудга келди. Одамлар ўтроқ яшай бошладилар. Дастлаб улар ғорларда яшадилар, кейин уй кура бошладилар. Ўтроқ ҳаёт мулкчиликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Аҳоли кўпайиб, табиат неъматлари етишмай қолгач, одамлар ўрмонни ёндириб, ерни ўзлаштириб, ғалла етиштира бошладилар. Ж.Вико инсоният тарихининг бу биринчи даврин худолар асри ёки илоҳий аср деб атади.

Ж.Виконинг фикрича бу даврда одамларни бирлаштиришнинг ягона шакли оила эди, унга ота раҳбарлик қилди. Мазкур оилада чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган ота қонун чиқариш, уларнинг ижросини таъминлаш зарру бўлганда буни жазо воситасида амалга ошириш билан шуғулланар эди. Бошқача қилиб айтганда Вико патриархал оилалар кишилик жамияти тарихидаги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи дастлабки жамоалар бўлганлигини таъкидлайди.

Ж.Виконинг қарашларига кўра кишилик жамияти тарихининг дастлабки даврларида ҳамма бирдек ижтимоий муносабатларга киришмаган. Бошқача қилиб айтганда тарих айрим одамлар учунгина бошланиб, қолган кўпчилик йиртқичлик босқичида яшашда давом этган. Аммо инсоннинг чекланган имкониятлар аниқроғи, унинг бошқалар кўмагига бўлган эҳтиёжи қолганларнинг ҳам йиртқичликдан инсонлик сари қадам қўйишларига, шу тариқа тарихий тараққиёт циклига қўшилишига ундади. Кўриниб турибдики Вико инсоннинг зарурий эҳтиёжлари қолаверса, жамоа бўлиб яшаш зарурати аниқроғи инсоннинг ижтимоий моҳияти уни биологик мавжудотдан социал мавжудотга айланишга мажбур қилганлиги, шу асосда кишилик тарихи шаклланганлигини таъкидлаб ўтади. Айна зарурат туфайли йиртқичлик босқичида қолган кишилар аста секинлик билан патриархал оилаларга келиб қўшила бошланганлар. Ж.Виконинг фикрига кўра патриархал оилага келиб қўшилган янги инсонлар (йиртқичликдан инсонга кечроқ айланган кишилар) патриархал оилада хизмат ёки кул сифатида қабул қилинган. Аммо бундай “янги инсонлар” миқдорининг ортиши, уларнинг бирлашиши, патриархга қарши курашиши ҳамда ўз ҳокимиятини ўрнатиши билан якун топди.

Бу эса ўз навбатида шаҳарлар ҳамда давлатларнинг соддароқ қилиб айтганда шаҳар давлатларнинг пайдо бўлишига туртки берди. Айни ҳодиса Ж.Виконинг циклик тараққиёт концепциясида кишилик жамияти тарихининг иккинчи босқичи (қахрамонлар даври) деб аталади [13, - Б. 108].

Қахрамонлар вужудга келтирган шаҳарларда аста секинлик билан патрицийларнинг улардан кўрқиши натижасида ҳуқуқлар ва эркинликлар тенглаша борди. Мазкур жараён барча учун тенг бўлган қадимий демократик режимларни юзага келтирди. Айни демокартик республика босқичи Ж.Вико концепциясида учинчи босқич сифатида тавсифланади.

Мазкур учинчи босқични тавсифлар экан Ж.Вико айни даврга келиб социогенез жараёнидаги тенгсизликлар барҳам топганлигини таъкидлайди. Аммо мутафаккир мазкур давр ҳам ўзига ҳос тенгсизликлардан ҳоли бўлмаганлигига диққат қаратади. Унинг фикрича бундай тенгсизлик асосида мулкий табақаланиш ётади. Мазкур мулкий тенгсизлик ва демократик республика даврини Ж.Вико “одамлар даври” деб атайди.

Виконинг тарихий тараққиёт моделида тўртинчи босқич монархия даври деб аталади. Монархиянинг вужудга келишини таҳлил қилар экан Вико айрим кишилар кўлида капиталнинг жамғарилиб мулкий тенгсизликнинг ошиши ўзаро тўқнашувлар, зиддиятлар, гуруҳ манфаатларининг онтогонистик хусусият касб этишига олиб келганлигини айтиб ўтади. Соддароқ қилиб айтганда капиталга эга бўлган айрим кишилар ўз атрофига одамларни тўплаб партиялар ёки шунга монанд ижтимоий гуруҳларни ташкил этадилар. Ўз навбатида бу гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кескин курашлар юзага келади. Айни курашларга барҳам бериш учун эса барчанинг манфаатини акс эттирувчи қудратли шахс (монарх) га эҳтиёж сезилади. Айни ўринда Ж.Вико ўзи илгари сурган тарихий тараққиёт моделининг тўртинчи босқичини Гоббс, Лок, Руссо кабиларнинг “ижтимоий шартнома” ғояларига яқин шаклда тушунтирганлигини кузатиш мумкин. Аммо Виконинг монархия шаклланишига оид қарашлари кўпроқ қадимги Хитой цивилизацияда вужудга келган мойизм фалсафасидаги давлатнинг вужудга келиши ғояси билан яқинлик касб этади. Зеро, монизмда ҳам кишилар ўртасидаги зиддиятни доно киши “император”гина ҳал қила олиши зарурати англагач кишилар ўз ихтиёрларини унга топширишлари таъкидлаб ўтилади. Ж.Вико тарихий тараққиёт концепциясининг тўртинчи босқичида ҳам ўзаро бир бирига душман гуруҳларни зиддиятларни бартараф қилиш мақсадида ўз ихтиёрларини монахрга топширишлари ғояси ишлари сурилади. Монарх барчанинг устидан ҳукмрон бўлиш эвазига кучсизларни кучлилар зулмидан ҳимоя қилади. Кишиларга эса фақатгина ўз шахсий муаммолари билан шуғулланиш имкониятини қолдиради.

Ж.Виконинг фикрича, монархиянинг ўрнини иккиламчи варварлик (орқага қайтган варварлик) босқичи эгаллайди. одамлар асрига бағишланган бешинчи китобида даврлар алмашинувини батасил очиб бермасида, монархияни ички ва ташқи сабаблар емирди, деб ёзди [13, - Б. 108].

Кўриниб турибдики монархиядан кейинги иккиламчи варварлик даври Ж.Вико циклик концепциясида назарда тутилган кишилик жамияти тараққиётининг бешинчи босқичини ташкил этади. Ж.Викога кўра мазкур беш босқич доимий равишда такрорланиб туради. Аниқроғи мутафаккир кишилик жамияти айни беш босқичида иборат тараққиёт қонуни асосида доимий рўй беришини таъкидлаб ўтади. Ж.Виконинг беш босқичли циклик тараққиёт концепцияси учун Рим тарихи прототип вазифасини бажарган.

Ж.Вико ҳар бир янги цикл илгаригига қараганда юқори даражада бошланади, деган фикрни айтади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир миллатнинг олға тараққий этиш йўлидан боради. Шундай қилиб, Викога циклизм прогресс ғояси билан уйғунлашди.

Инсоният жамияти эволюциясини бундай талқин этиш фақат ижтимоий-иктисодий формация назарияси учунгина эмас, балки юқорида кўриб чиқилган инсоният ривожланишининг уч босқичли (ёввойилик, варварлик, цивилизация) концепциясидан бошлаб, XIX аср ўрталарида тарих фанида мустаҳкам қарор топган даврлаштириш (унда бутунжаҳон тарихининг дастлаб уч, кейин эса тўрт даври (қадимги Шарқ, антик, ўрта аср ва янги замон) ажратиб кўрсатилган эди) гача бўлган барча унитар унитар-стадиал концепциялар

учун хос эди. Тарихни тушунишга оид мазкур концепцияларни умумлаштирган ҳолда тўғри чизиқли стадиал ёндашув дейиш мумкин.

Тарихий ва этнологик эволюционизм ҳақида сўз борганида ҳам тўғри чизиқли – стадиал ёндашув назарда тутилади. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳукм сурган тарихни унитар-тўғри чизиқли тушунишга реакция сифатида плюрал-цикли деб номланган қараш вужудга келди. Барча плюрал-цикли концепцияларнинг характерли белгиси инсоният ривожланишини ягона тўғри чизиқли йўлини инкор этишдан иборат эди. Улар бир чизиқлиликини кўп чизиқлилиikka, инсоният миқёсидаги ривожланиш стадияларининг алмашилишига, уларнинг вужудга келиши, гуллаб-яшнаши ва ҳалокати ғоясига қарши қўйдилар.

Агар тўғри чизиқли-стадиал концепциялар ривожланишнинг узлуксизлигини мутлақлаштирган бўлса, плюрал-цикли концепция тарафдорлари ундаги узилишларни мутлақлаштирдилар.

Тарихни тўғри чизиқли – стадиал тушуниш ўзининг ҳар қандай вариантлари билан, шу жумладан, марксча тўғри чизиқли-формацион тушуниш XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, фан маълумотларига зид бўлиб қолди. XIX аср бошларига келиб, тарих фанида тарихни унитар-стадиал тушуниш мустаҳкам қарор топди. “Цивилизация” атамаси кенг ёйилди. Маълумки, цивилизация тушунчаси вужудга келар экан, ижтимоий синфлар ва давлатнинг мавжудлиги билан характерланадиган инсоният ривожланишидаги стадияни (босқични) англатади. Тарихчилар бу тушунчадан фойдалангунларича у шундайлигича қолди.

Бу даврда ориенталистик руҳдаги тарихнавислик тадқиқотлари жиддий тараққий этмаган бўлсада, ўрта асрлар манбааларига таянувчи Шарқ тарихига оид маълумотлар Европалик тадқиқотчиларга маълум эди. Ҳар бир тарихчи учун, шубҳасиз, Хитой цивилизация мамлакат қаторига кирар эди.

Бироқ шуниси ҳам шубҳасиз эдики, Хитой цивилизацияси Ғарбий Европа мамлакатларида ҳукм сурган цивилизациядан фарқланар эди.

Бу даврга келиб, цивилизация босқичида бўлган социотарихий организмлар ўртасида сифатий тафовутлар бўлиши мумкинлиги ғояси илгари сурила бошланди.

Шунингдек, цивилизация тушунчаси билан бир қаторда цивилизациялар (алоҳида, локал цивилизациялар) тўғрисидаги тушунча шакллана бошлади.

Цивилизация тушунчаси дастлаб Пьер Симон Балланш (1776-1847), Эжен Бюрнуф (1801-1852) ва Христиан Лассен (1800-1876) Александр фон Гумбольдт (1769-1859) Жозеф Мари де Местр (1753-1821) ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида қўлланди. машҳур француз тарихчиси Пьер Ритом Ризо (1787-1874) нинг “Европада цивилизация тарихи” ва “Франция бўйлаб цивилизация тарихи” асарлари цивилизация тушунчасининг мустаҳкам қарор топиши учун қулай имконият яратди [13, - Б. 52]

Француз файласуфи Шарл Ренувье (1815-1906) “Қадимги фалсафа тўғрисида қўлланма” (1844) асарида биринчи бўлиб “локал цивилизация” тушунчаси қўллади. Ш.Ренувье ана шу цивилизациялар ичидан бирламчи, иккиламчи, учламчи цивилизацияларни ажратиб кўрсатди. Кейинчалик цивилизация ёндашув О.Шпенглер, А.Бергсон, А.Тойнби, Ф.Тоффлерлар асарларида ҳам кенг муҳокама қилинди.

Бу даврга келиб тарих фалсафасида цивилизация тушунчаси билан биргаликда маданият категорияси ҳам кишилиқ жамияти тарихини тушунтириш соҳасида кенг қўлланила бошланди. Дастлаб мазкур категориялар мазмун жиҳатдан бир брига яқин тушунчалар сифатида қўлланилди. Айрим мутафаккирлар, жаҳон халқларини, маданиятсиз халқлар, яриммаданиятли ва маданиятли халқлар кўринишида таснифладилар. Мазкур қараш цивилизация ёндашувдаги халқларнинг ёввойи, варвар ва цивилизацияли одамлар кўринишидаги таснифи билан ўзаро мутаносиблик касб этар эди. Бироқ кейинчалик тарихий фалсафий тадқиқотларда цивилизациялашганлик даражасидан қаътий назар барча халқлар маданиятга эга деган тезис шаклланди.

Маданият тушунчаси билан бир қаторда маданиятлар (локал маданиятлар) тўғрисидаги тасаввур шаклланди. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, цивилизация тушунчаси нафақат тарихнавислик тадқиқотларида балки тарихий фалсафий концепцияларда ҳам кенг қўлланила

бошланди. Бундай коцепцияларда цивилизация тушунчаси халқлар тараққиётининг олий босқичи қолаверса уларнинг маданий тузилмаларини ифодаловчи категория сифатида талқин этилди. 1861 йилда Зальцбургда инсоният цивилизация ривожининг хилма хиллиги назарияси ҳамда тарихий тараққиётга нисбатан маданий-тарихий ёки цивилизация ёндошувни қўллаш бошлаган тарих фалсафаси мактаби вужудга келди. Н.Я. Данилевский (1822-1865), О.Шпенглер (1880-1936), А.Тойнби (1889-1975), П.А.Сорокин кабиларни айна мактабнинг вакиллари сифатида кўрсатиш мумкин. Жумладан, Данилевский – «маданий-тарихий типлар», Шпенглер – «Етук маданиятлар», Тойнби – «Локал цивилизациялар», Сорокин – «Маданий суперсистемалар» ғояларини илгари сурдилар. Бу борада локал цивилизациялар категорияси мазкур ёндашув ривожидан муҳим ўрин тутди.

Албатта юқорида амалга оширилган мулоҳазалар таҳлили бугунги кунда рўй бераётган ўта кенг миқёсда мураккаб зиддиятларга жараёнларнинг кўпёқлама характерини тўла тўқис очиб беришга қодир эмас ва ўз олдида бундай мақсадни қўймаган. Аммо шунга қарамай, ушбу мақолада баён қилинган мулоҳазалар таҳлилдани «тарих интиҳоси» ҳақидаги дискурс ўзида универсал, глобал келажак лойиҳалари сценарийлари йиғиндисини намоён қилувчи мафқуралашган дискурс эканлиги келиб чиқади. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки «тарих интиҳоси» ҳақидаги бугунги тасаввурларнинг ҳақиқий маънода қандай характер касб этиши у ёки бу универсал, глобал келажак сценарийсининг замонавий интеллектуал муҳитдан қанчалик мустақам ўрин олиши, аниқроғи, бирор бир келажак сценарийсининг қолганларини сиқиб чиқариши ёки уларга қўшилиб кетиши билан боғлиқ. Мухтасар қилиб айтганда, глобаллашув индустриал жамиятдан постиндустриал (ахборотлашган) ёки бошқа бирор бир унданда юксакроқ жамиятга ўтишни англатадиган табиий жараён эмас, аксинча глобаллашув ўзида нафақат табиий хусусиятларни, балки махсус сценарий компонентларни ҳам мужассам этувчи икки ёқлама феноменни намоён этади. Аммо қайси бир универсал, глобал келажак сценарийсининг зарурийлик касб этиши ҳақидаги савол очик қолмоқда. Мазкур саволга жавоб излаб топиш яна бир янги тадқиқотга зарурат туғдиради.

### Сноски / Iqtiboslar / References

1. Международная политика. – М: ФАИР-ПРЕСС, 1994. – С.111-112
2. Фукуяма Ф. Конец истории. – Москва, Аст 2009 С .57
3. Ачкасов В.А., Ланцов С.А. Мировая политика и международные отношения. – М: АСПЕНТ- ПРЕСС, 2011. – С. 98-113.
4. Кожев А. Историко-философская концепция. – М., 2003. – С. 130-139.
5. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М: Terrafanastica, 1994. – С.33.
6. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М: Terrafanastica, 1994. – С.113.
7. Макиавелли Н. Государь. – М.: Мысль, 1990. – С.4
8. Макиавелли Н. Флоренция тарихи. 1520-1525; 1532; русча таржимаси: – Л., 1973; – М., 1987.
9. Макиавелли Н. История Флоренции. – Л., 1973. – С.175
10. Макиавелли Н. История Флоренции. – Л., 1973. – С.175-176
11. Гвиччардини Ф. Заметки о делах политических и гражданских // Сочинения. – М.: 1934. – С.167
12. Moyle W. An Essay upon the Constition of Roman Government (fragments) // REA, – p.389
13. Семенов Ю. Философия истории. (Общая теория, основные проблемы, идеи и концепции от древности до наших дней). – М.: Современные тетради, 2003. - 107 с.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**  
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**  
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF  
SOCIAL STUDIES**  
VOLUME 4, ISSUE 1

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000